



Ушбу сонда:

2

ФЕРМА
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ,
КЕЙИНЧИ?

3

МЕХР-ОҚИБАТ БЕКАТИ

4

БЕЧОРАХОЛ
КУТУБХОНАЛАР

ГАЗЕТА 1997 йил
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА
ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

15 декабрь, сешанба
1998 йил №141(642)

Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий ҳимоя

ДОРИ-ДАРМОНЛАР БЕПУЛ

Бозор иқтисодиёти омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатишга ундади. Бу гап корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳам бевосита тегишлидир. Бундай пайтда одамлар ғайрат ва ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишиб, ўзлари ишлаётган жамоанинг иқтисодини кўтаришга ҳисса қўшсалар, иқтисодий бақувват корхоналар эса ўз ишчи ва хизматчиларига мадад берсалар айти мундоо бўлади. Тошкентдаги 2-автокомбинат очик турдаги акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитасининг раиси Фарход НУЪМАНОВ билан суҳбатимиз худди ана шу долзарб мавзуда бўлди.

берилмоқда. Масалан, бу йил байрамлар муносабати билан бундай оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга 93 минг сўм ажратилди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан муҳтож оилаларга 46 минг сўм ёрдам берилди. Корхонада меҳнат қилаётган, кам таъминланган ишчи-хизматчи оилаларига 117 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишлаб чиқаришда ҳалок бўлган хайдовчилар оилаларини корхона жамоаси оғалик олганлигини, бундай оилаларга доимо меҳр-муруват кўрсатилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Бундай оиланинг ҳар бир фарзандига то балоғат ёшига етгунга қадар энг кам марш миқдорда моддий ёрдам бериб борилади.

Дарвоқе, акциялар ва дивидентлар хусусида икки оғиз сўз. Акциядорлик жамияти тарқатаётган акциялар оила бюджетини мустаҳкамлашда маълум даражада ижобий роль уйнамоқда. Утган йили акцияларнинг биринчи эмиссияси тарқатилди. Хар бир акцияга 120 сўмдан дивидент тушди. Арғамчиға қил қуваёт деганларидек, ишчи-хизматчилар акцияларни сотиб олишга жуда қизиқиб қолди. Шунинг учун 1998 йил акцияларнинг иккинчи эмиссияси тарқатилди.

Маълумки, соғломлаштириш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни муҳим кўринишларидан биридир. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Соғломлаштириш чиндан ҳам ижтимоий ҳимоянинг зарур қирраларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхона раҳбарияти билан касаба уюшма кўмитаси бу соҳага эътиборни қўйиб туришга доимо диққат марказида тутмоқда. Масалан, корхона ўз тиббиёт бўлимига эга. Бу ерда терапевт, шифокор, тиш шифокори ва фельдшерлар ишчи-хиз-

Абдураим ОТАМЕТОВ.

Чуст туманида халқ хунармандчилигини эъзозлаб келаётган оилалар, маҳаллалар кўп-кўп топилади. Камарсадда ана шундай маҳаллалардан биридир. Бу ерда хунармандчилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган. Шарифжон Мўминовнинг қўлида меҳр билан сайқал топаётган миллий хунармандчилик буюмларининг ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам унинг маҳсулотлари вилоят, республика ташовларида фахрли ўринларни олган.

Суратда: Шарифжон Мўминов ўғли Аброржон билан.

Бахтиёржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.



Бозор чорраҳаларида БАҲОНА ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Сариосиё туманидаги «Хисор» ҳиссадорлик жамияти 47 минг аҳолига савдо хизмати кўрсатади. Аммо, кейинги пайтларда очиги унинг иши юришмапти. Уэрли баҳоналарни рўқач қилиш, изчилликнинг йўқлиги туфайли муаммолар кўпаймоқда. Жумладан, шу йилнинг ноябрь ойида «Сариосиёдон» ҳиссадорлик жамиятидан 120 тонна ун олиб, унга қўзи тикиб ўтирган фукараларга етказиб берилиши керак эди. Бироқ, «Хисор» ўзи ахратилган уннинг ярмини, яъни 60 тоннасини олди, холос. Сабаб? Шу савол билан идора раҳбари Мухаммади Жалиматовга мурожаат қилдик.

Пул йўқ, -деди у дабдурустдан. - Ҳар-

чанд ҳаракат қилмайлик истеъмолчилар талабини тўлалича қондира олмаймиз. Бундан ташқари олис қишлоқлардаги аҳоли учун ҳам 180 тонна ун керак. У тоғ йўлларини қор қопламасдан эгаларига етказиб берилиши керак эди. Бироқ, ханузгача Боғча, Обизаранг, Боғисамарқанд, Чашма ва бошқа қишлоқлардаги дўконларга ун етиб бормади. Ана энди қишли-кировли кунларда тоғликларнинг қийналишини кўринг. Бундай камчиликларни кўра бўла туриб, мутасадди раҳбарлар ҳам пинакларини бузишмаётганлиги ташвишлидир.

ДАШНАБОДЛИК «ТАДБИРКОРЛАР»

«Дашнабод» жамоа ҳужалиги асосан анор етиштиришга ихтисослашган. Кўп-кўп бахтига бу йил ана шу неъмат қўтилгандан анча кам бўлди. Шундай бўлсада ҳужалик раҳбарлари бу неъматдан самарали фойдаланмоқдалар. Йигирма минг донга қороз халта, эллик куб метр ёғоч, ун тонна электркор анорга яприбош қилинди. 200 тонна неъмат эса иш ҳақи ҳисобидан тарқатилди.

Яқинда ўзига хос бир тадбиркорлик йўли тутилди. Шеробод туманидан беш тонна анорга 30 тонна ош тузи айир-

бош қилиб келтирилди. Туз ун килодан 3 минг одамга бўлиниди ва иш ҳақи ҳисобидан тарқатилди.

Туз сўраган кўп, - дейди ҳужалик бош ҳисобчиси Қурбон Ҳайитов мағрур оҳангда, - чунки савдо дўконларида у тақчил-да.

Нима бўлганда ҳам «Дашнабод» ҳужалиги раҳбарлари кўп қовуштириб ўтиришмаганларига қойил...

Тождидин РАЗЗОК,
«Ишонч» муҳбири.

ЁШЛАР МАРКАЗИ

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Андижон вилоят бўлими қошида «Ёш куч» тарғибот маркази ташкил этилди. «Ёш куч» журнали ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигида тузилган ушбу марказ ўз олдига ёшларни замон талабларига мос руҳда илм-фан, касб-хунарга йўналтириш, иқтидорларини танлаш ва ўқитишда ёрдам бериш, уларнинг фидокор инсонлар бўлиб етишишига ҳисса қўлишни мақсад қилган. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса марказ вилоятнинг шахар ва туманларида ўз бўлимларини очилиши режалаштирмоқда.

К.НИЗОМОВ,
ЎЗА муҳбири.

Янги фильм ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекино» давлат акционерлик компаниясида халқимизнинг ўтмиши ҳамда бугунги кунини акс эттирувчи бадиий фильмлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Улардан бири яқинда суратга олинган «Елғиз ёдгорим» фильмидир. Ёзувчи Хайридин Султоновнинг «Ёзинг ёлғиз ёдгори» кассаси асосида суратга олинган мазкур фильмга Собир Назармухамедов режиссёрлик қилган. Ушбу лентада икки ёш ўртакдаги свети ва вафо, инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, қишлоқ одамларининг ҳаёти, ички кечинмалари акс эттирилади. Бош ролларни Теша Мўминов, Тожибой Норматов, Дилбар Икромова, Уллубек Музаффаров ижро этган. Республика киночилар уюшма янги фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. «Елғиз ёдгорим» ижодкорлари фильмда миллийлик алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб, талабчан томошбинини дидига мос, қизиқарли ва таъсирли бўлишига умид билдирдилар.

ЎЗА/

Шу сонга хабар ХЎЖАЙЛИ АВТОКЕМПИГИ

Хўжайли шаҳрида халқаро автокемпинг-карвонсарой фойдаланишга топширилиб, дастлабки хорижий меҳмонларни қабул қилди.

Буюк ипак йўлининг муҳим халқасида жойлашган Хўжайли автокемпингида мамлакатимизга Устюрт орқали Фарбий давлатлардан келадиган ҳамда Шарқдан ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида иш юритидаги тадбиркору ишбилармонлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Шунинг учун ҳам Хўжайли карвонсаройи мамлакатимизда коммунал-цияни яхши йўлга қўйишда ўзига хос кичик кўприк вазифинини ўташига асло шубҳа йўқ.

А.ИСКАНДАРОВ.

ҚИШ ДОҒДА ҚОЛДИРОЛМАЙДИ

Йилнинг синов мавсуми, деб юритиладиган қиш кўплар, хусусан, таъминот ташкилотлари ходимлари олдида ҳам катта вазифаларни қўяди.

Наманган вилоятидаги ташкилотларда ҳам мавсумга тайёргарлик борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Туркистон» кўмир ҳиссадорлик жамияти вилоят мактаблари ва тиббиёт тизими шохобчаларини қиш мавсумида етарли миқдорда ёқилги билан таъминлаш учун астойдил жон куйдирмоқда. Аввалги раҳбарликнинг бепарволиги туфайли келиб чиққан ҳатотликлар тугатилмоқда.

Бугунги кунгача вилоятимиздаги тиббиёт тармоқларининг ёқилгига бўлган талабнинг 80 фоиздан ортиги қондирилди. - дейди ҳиссадорлик жамиятининг раиси Ферузжон Пўлатов. - Мактабларимиз жамгарган кўмир эса 30 минг тоннадан ошди. Бу натижа талабнинг 70 фоизга яқинини ташкил қилади.

Ушбу мақсадлар йўлида қўшимча яна 40 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Ангрон кўмир қонидаги шеркларимиз бюртмамимизни тезроқ бажаришга, қолган ёқилги захираларимиз ҳам ўз вақтида тўлдирилади.

Хуллас, қиш бизни доғда қолдиროлмайди.
О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Маълумки, бозор иқтисоди жаҳон андозалари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришини талаб қилади. Аммо олдиндан шартлашмай, истеъмолчининг харид қобилиятини пухта ўрганмай туриб, тайёр маҳсулотни дуч келган харидорга қўшқўлаб бериб юборавериш аввало ана шу корхонага, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зарар етказиши.

Тошкент вилоятидаги Янгийўл агрофирмаси раҳбари А.Шукуров ҳамда бош ҳисобчи И.Ирбутаев ана шундай «хотам-той»лардан қиқиб қолди. Жамоа аъзолари катта меҳнат эвазига ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулот кўпинча насянга бериб юборилаверди. Ҳақини ундириш эса пайсалга солинди келинди. Натижада дебитор қарзлар қисқа муддат мобайнида 45,6 миллион сўмдан ошиб кетди, агрофирма молиявий қийин аҳволга тушиб қолди. Эндиликда А.Шукуров ва И.Ирбутаев қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг бир маромда ишлашида ўзаро ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, - дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими мудири Бахтиёр Ҳасанов. - Айрим раҳбар ходимлар бу оддий ҳақиқатни тушуниб етишни истамаяпти. Ачирнардиси шундаки, ҳўжа-

лик юритувчи субъектларнинг масъул ва мансабдор шахслари ўз вазифаларига нафақат совуққонлик билан қараётти, балки юзага келган салбий вазиятдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга ҳам уринаётти. Биргина мисол: Чирчик

Қарзингизни қачон узасиз?

шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ветеран» кичик корхонаси 1995 йил ёзида Челябинск вилоятидаги «Базис» корхонасига умумий қиймати 21 миллион рубль 380 миллион рубль бўлган консерва маҳсулотлари жўнатган. Шартнома бўйича эвазига ёғоч олиб келиш режалаштирилган эди. Аммо корхона раҳбари А.Капустин «Базис» вақили А.Хегайдан ёғоч ўрнига 1780 АҚШ доллари олди, ўз фойдасига ўзлаштириб юборди. Аммо кўп ўтмай сир очилди ва у жиний жавобгарликка тортилди.

Афсуски, жамоа ёки давлат ҳисобидан мўмай даромад орттиришга уриниш ҳолатларини кўплаб кузатиш мумкин. Вилоят прокуратураси идоралари томонидан йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида ўтказилган 119 та текшириш натижалари ҳам қатор жиний бепарволик ва мулкни талон-тарож қилиш ҳолатлари

● Иқтисодий таҳлил

мажбурлигини кўрсатди. Текшириш натижаларига кўра 86 шахс интизомий, 14 киши моддий, 796 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қонун бузилишини бартафос этиш юзасидан ҳужалик раҳбарларига 97 та тақдиминоа юборилди.

Келтирилган заарарни ундириш учун ҳужалик судларига 28 та даъво аризаси берилди. Жиноят аломатлари мажбул ҳолатлар бўйича эса 61 та иш қўзғатилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳужалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб ишларига бепарволик билан қараляётгани туфайли ўзаро қарзлар кўпаймоқда. Натижада корхона иқтисодий жиҳатдан ноқорлашиб, ҳатто ўз ҳақини ундиришга ҳам қўриб етмай қоляётти. Вилоят прокуратура идоралари ана шундай корхоналарга ҳам ёрдам қўлини қўзмоқда. Утган ўн ой мобайнида корхоналарнинг 5106 миллион сўмлик қарзини ундириб бериш учун 67 даъво аризаси қўзғатилди ва уларнинг аксарияти судлар томонидан қаноатлантирилди.

Айни пайтда Тошкент вилоят ҳокимлиги қошида ўзаро ҳисоб-китоблар ме-

ханизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича маҳсул комиссия фаолият кўрсатмоқда. Комиссия томонидан вилоятдаги 11390 корхона ва ташкилотнинг

Афсуски, ўзаро қарзларнинг кўпайишига Тошкент вилоятидаги йирик корхоналар ҳам «салмоқли ҳисса» қўшиб келмоқда. Вилоят прокуратураси Чирчикдаги «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлургия комбинатини, Тошкент ГРЭСи, Олмалик тоғ-металлургия комбинатини иқтисодий ноқор аҳволга тушиб қолган «Тошвилоятгаз» бошқармасига 4051 миллион сўмдан зиёд қарзни тўлашга мажбур қилди.

Вилоятда тўлов интизомини мустаҳкамлаш вази-фаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Банк, солиқ ва бошқа назорат идоралари томонидан бу борада муайян ишлар амалга ошириляётгани табиий. Бироқ кўп ҳолларда ҳўжаликларнинг молиявий аҳоли ҳақидаги маълумотларини йиғишига асосий аҳвафга бўлиб қолмоқда. Бизингча, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳоли, қарзларнинг ўсиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниши, зарур чоралар қўрилиши лозим. Энг асосийси, шахар ва туманларда мажбул масала бўйича фаолият кўрсатаётган комиссиялар ишни тўдан қайта курсга, дебитор-кредитор қарзлар қамайиши, бундан корхона ҳам, давлат ҳам фақат фойда кўриши аниқ.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Кўчат экишдан мақсад, ниҳолни яхши ниятлар билан парвариш...

ФЕРМА ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ, КЕЙИНЧИ?

икки литрга тушиб кетди. Боз устига моллар сони камайди.

Хусусийлаштириш бозор иқтисодиётининг туб масалаларидан бири.

Ходимлардан моддий рағбатлантириш қандай деб сўрасак, ҳайрон бўлишди.

иш юзасидан учрашишни мақсад қилганидир. Лекин ҳодимлари касабга уюшмаси...

КЕЙИНЧИ?

ушун телефонда бўлса ҳам мулоқот қилишга жазм қилдик.

топшириб келган ферма «Қорақалпоқ» жамоа ҳўжалигидан ажралиб чиққан.

Будир ПУЛАТОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

Хулоса шуки, хусусийлаштирилган фермалар омилкор, шу соҳанинг ҳақиқий эгалари қўлига топширилиши керак.

Ишқот одимлари ИШЧАН КАЙФИЯТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда бевосита ишлаб чиқариш соҳаси билан машғул бўлган тadbиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Асли касби бухгалтер бўлган Неъмат Аноркулов ҳам ўз фаолияти йўналишини ўзгартириб, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланишни ният қилганида...

«Садаф ботир» фермер ҳўжалиги бошлиғи Неъмат Аноркулов. - Туман ҳокимилиги ва ДФХ уюшмаси кўмагида муаммоларни аста - секин ҳал этдик.

Шунга қарамадан, «Садаф ботир» фермер ҳўжалигида мўл галла, мева, картошка ва सबзот етиштирилади.

«Ишлаб чиқаришнинг мураккаб жиҳатлари асосан, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи шерикларга боғлиқлиги бор, - дейди Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.



Балиқчи тумани ҳокимилиги тadbиркорлар, ишбилармонлар, фермер ҳўжалиги ҳамда кичик корхоналарга амалий ёрдам бериб келмоқда.

Бердах таваллудининг 170 йиллиги олдида

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 20 майдати қарори билан Бердах қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллик юбилейини кенг кўламли нишонлаш белги...

Қорақалпоғистон давлат улқашунослик музейида ташкил этилган «Саҳронинг уйғотган шоир» кўргазмаси ҳам томошабинларда чўқур таассурот қолдириди.

Айниқса, Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, ҳокимликлар билан ҳамкорликда тadbирланган «Даврон» телефестивали барчада қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, клуб муассасаларида «Саҳро бўлбули», «Бердах - буюк маърифатпарвар» каби мавзуларда адабий - мусиқий кечалар, бадий ҳаваскорлик жамоалари, ёш бахшилар ижросида курик-танловлар ўтказилди.

Шуниси қувонарлики, Бердах тугилиб ўсган Бузатов тумани марказида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, боққа ўрнатилган шоир бюсти ҳам тadbир бўлди.

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат музыка театрида шоирнинг «Аҳмоқ подшо» достони асосида яратилган мусиқали драмани саҳналаштириш ниҳоятини қўйди.

Таҳлил нимани кўрсатди?

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ОШГАНДА

роитлари яратиш каби масалаларга ҳам эътибор сусайиб кетган экан.

оширилганлиги ва бу йўлда сарфланган маблағ миқдори аниқлаш олмаган эдилар.

хонасининг умуман ишламаслиги, корхонада 223 киши меҳнат қилишига қарамай, техника ҳафсизлиги муҳандиси йўқлиги ҳам маълум бўлган.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгашида Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кўмитасининг Раёсат мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибига шу куннинг энг долзарб масалалари қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон қарлар жамияти корхоналарида иш бериш ва касабга уюшма кўмиталарининг меҳнатқилларни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишдиқат марказида бўлди.

мий иш ва ойллик маошлар билан таъминлаш, соғломлаштириш, реабилитация қилиш каби масалалар киради.

даги корхоналар, касабга уюшма кўмиталари фаолиятида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий камчилик ва нуқсон ҳам мавжуд. Бунга яқинда ҳайлардаги бир неча ўқув ишлар чикариш корхоналарида ўтказилган текширувлар рўйи-рост очиб берган эди.

Корхоналар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Баҳодир Дадаҳўжаев раҳбарлик қилаётган Сирғали қарлар ишлаб чиқариш ўқув корхонасидаги назорат вақтида нозирлар корхона раҳбарияти ва касабга уюшма кўмитаси раиси Жаҳонгир Рустамов ийиллик ҳисобот ҳужжатини, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимни кўрсата олмаганликлари учун, корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича қандай тadbирлар амалга

САРХИЛ НЕЪМАТ

Халқимиз дастурхонини тўкин қилиш, нон ва ун маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларни тўла қондириш мақсадида хизматга бел боғлаган «Галла - Алтет» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг аъзолари Оила йиллидаги ишларини сарҳисоб қилар эканлар, ҳалол меҳнатларидан кўнглилари кўтарилди.

дан ёрдам пули берилаётти. Ишчи-хизматчиларни ҳар қанча эъозласак, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилсак арзийди. Чунки, жамиятимиз «чўнтаги»га тушаётган ҳар бир сўм уларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли топилаётти.

Соф даромад корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга ҳам имкон яратяпти. Айни пайтда Италия ва Швейцариянинг нуфузли фирмалари билан шартнома тузилиб, ун маҳсулотларини сифатли тайёрлашга мослашган, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар келтириб, ўрнатилмоқда.

Абдулла АЙЗОВ, «Ишонч» мухбири.

Оптирик тумани ички ишлар бўлими ходимлари қишлоқ ҳўжалик экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш гуруҳлари билан ҳамкорликда иш юритиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.



Суратда: милиция катта лейтенанти Шерали Махмудов, бригада бошлиғи Маърифжон Бакиров, доңчилик зеноси боңчилиги Ҳасанбой Қорабоевлар далада.

Бахтиёржон ХАМРОКУЛОВ олган суратлар.

Оромгоҳ қўйнида БОЛА КУЛСА - ОЛАМ КУЛАДИ

«Алгоритм» хиссадорлик жамиятининг «Эльбурс» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўзининг ажойиб анъаналарига эга. У азиз болаларнинг сеvimли дам олиш масканига айланган. Бўстонлик туманининг тоғ ёнбағирларида жойлашган гузалликда бетакрор гўша - Чимёндаги оромгоҳда болалар тўрт фасл таътил кунларида мириқиб дам оладилар. Шу билан бирга оромгоҳда Чилонзор туманидаги 23-мехрибонлик уйининг тарбияланувчилари ва «Тошкент трактор заводи» хиссадорлик жамияти меҳнаткашларининг фарзандлари ҳам соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. 23-мехрибонлик уйлари корхона маъмурияти оталиққа олган бўлиб, мактаб ўқувчиларини бепул йўланмалар билан таъминлаб келмоқда. Фақат кузги таътилни ўзидаёқ бу ерда 230 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Болалар «Феруз» шарк рақслари ансамбли, «Ало-

вуддин» шоу-гуруҳининг ёш санъаткорлари иштирокидаги жозибали рақслар, дилрабо кўшиқлардан баҳраманд бўлиб, бой таассуротлар билан қайтидилар.

Гўзаллик, меҳр-оқибат нималигини, англаб етган боланинг қалбида эзгулик камол топади. Меҳр кўрган бола камолга етгач меҳрибон бўлади. «Бола кулса - олам кулади» деб ҳалқимиз беҳиз айтмаган.

Футбол, шахмат-шашка, теннис бўйича спорт мусабобчалари оромгоҳ ҳаётининг ажралмас қисмидир. Оромгоҳда спортнинг оммавийлигига, «Соғ танда- соғлом ақл» деган ақидига қатъий амал қилинади. «Эльбурс» жамоаси тармоқ бўйича оромгоҳлар ўртасида футбол, волейбол мусабобчаларида голибликни қўлдан бермай келмоқда.

Улугбек ПЎЛАТОВ.



Қишлоқларни кезиб оппоқ соқолли отахонларга кўзингиз тушганида қалбингизни илқ хислар чулғайди. Улар бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Зеро, табаррук инсонлар тўю тантаналаримизда бош-қош. Нурунийлар ёшларимизга одамийликдан сабоқ берадилар, муаммоларни ҳамқору ҳамжихатликда ҳал этадилар. Бундай инсонлар бор ерда файзу тарофат, аҳил-

лик, меҳру оқибат ҳукмрон. Мустақил Ўзбекистонимизда кекса алоҳида алоҳида ҳурмат эътибор кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни ўтказишга оид фармонни бажаришда уруш ва меҳнат фахрийлари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Оталаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Таажжуб!

Биринчи қор ёққан кун меҳрибонлик уйига киб бордик. Саранжом-саришта йўлак бўйлаб одимлар эканида, болаларнинг шодон қийқириқлари кулоққа чалинади. Катта ҳамшира Улфатой Қурбонова машғулот хонасига бошлади. Гўдаклар онажон дея унинг кучоғига отилишганида кўксимда оғриқ пайдо бўлди. Бейхитёр ҳаёлга берилман. Шундай ширин, бир-бирдан гўзал фарзандларни ташлаб қўйган ота-оналарнинг юраклари ўртанмасмикан?

БАҒРИТОШ ОНАЛАР

Тарбияланувчилар орасида Қобил Сунонов деган тиллар бурро, кўзлари чакноқ бола тақдирини эшитиб эзилдик. Қобилжоннинг икки йил бурун бу ерга милиция ходимлари олиб келишибди. Онаси бекободлик экан. Ичкиликка ружу қўйиб, фарзандидан юз ўғирибди. Бирок, мурғак қалб онага талпинди, қачондир уни бу ердан олиб кетишига умид қилди. Қани энди бағри-тош она инсофга келса, нуридийдасини бағрига босса!

Бунчалар бағритошлик қаердан пайдо бўлган. Бу дунёда қайфу сафони-нг ҳам чегараси бордир. Бемехрлик, фарзанддан юз ўғир-иш, унинг тақдирига бефарқ қараш азал-азалдан ҳалқимиз томонидан қораланган. Бундайлар охир-оқибат пуншаймон бўладилар. Қариганларда ўзлари ҳам меҳрга, ширин сўзга, кимнингдир кўллаб-қувватлашига зор бўладилар. Бирок, сўнгги пуншаймоннинг фойдаси йўқ.

ларга алоҳида эътибор зарур. Бу беғунох норасидалардан давлатимиз ҳеч нарсани аяётгани йўқ. Озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ҳаммаси бисёр. Фақат болалар ота-она меҳрига зор.

Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли болалар уйи бош шифокори Ултамхон Исмолова дил сўзларини шундай ифода қилди:

Жамоамизда 22 киши меҳнат қилади. Мактаб ёши-гача бўлган 19 нафар тарбияланувчи бор. Улар учун барча шарт-шароит мўҳайё этилган. 5 маҳал иссиқ овқат бе-

Мулоҳаза

ЛОҚАЙДЛИК-ҚАЛБ ФАЛАЖИ

Дайди сўзини эшитишим билан юрагимда гашик пайдо бўлади. Оиласидан, қадрдонларидан безиб, кўчада тентираб юрган ёшлар бебаҳо умрини зое ўтказиб қўйишларини кейинчалик тушунадилар. Аммо унда кеч бўлиши мумкин. Ахир вақтида ўқиш, касб-хунар ўрганиш керак-да. Шундайлардан бири билан суҳбатлашдим.

Чуқур ўйга толаман. Баъзида ортиқча ҳиссиётга берилиб ўз боламизни тушунамаймиз. Аниқроғи ёш қалбда нималар кечаётгани, уни нималар қўйнаётгани билан қизиқмаймиз. Баъзида бир оғиз сўз инсонни тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлигини унутмайлик. Фарзандимиз ноқобил чиққан экан, бунга аввало ўзимиз сабабчимиз. «Чорсу» бозори ҳудудидида қашқадарёлик А.Сатторов, ғиждувонлик Ф.Эргашева, шахрисабзлик К.Аҳмедов кабилар дайди, тиланчиликка қўл очиб юрган кезларидида милиция ходимлари томонидан ушландилар. Уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ийгит алам билан гапирарди. Айбига иқрорлигини, нотўғри йўлдан кетаётганлигини тан олди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, журналист

Бағри кенг ўзбегим

ТУНГИ МЕҲМОН

Сўнгги автобусга етолмай Шеробод чўли ҳудудидида сарсон бўлиб қолдим. Изғирин, шамод кўз очираймайди. Умид йўловчи машиналардан. Анчайин вақт ўтди, ён-атрофни қоронгулик чулғайди. Мушкулим осон бўлмаётганлигидан ташвишланиб, олис йўлга тикиламан.

топиб келди. Меҳмон келганини эшитган қўшилар мева-чева, таом ва бошқа тансиқ нарсалар чиқаришибди. Сезаппан, меҳмон келиши билан оила аъзолари ҳаракатга тушишди. Отанинг таъкидлашича, кампирни тушмагур галадонда сақлаб келаётган ёнғоқ майизлардан ўлган бўлиши, гайрат кўрсатиб нон ёпишга тутинибди.

эртанги ҳаёти қандай бўлишига чол-кампирни уйлантираётти. Шу кеча қўли гул богдон Собир ота хонадонидида меҳмон бўлдим. Ажойиб инсонлар ўзлари емаганларини менга беришди. Янги кўрпачаларни тўшаб, ҳурматимни жойига қўйишди.

Собир отага зимдан тикиламан. Чехрасида ҳорғинлик, аллақандай маъносиз сезиларди.

Хайёт мураккаб болам, деди у ҳаёлимдан нималар кечаётганлигини фаҳмлаб.

Орадан муайян вақт ўтган, ўғлимни ёнимга олиб табаркур инсонларни кўрган Шерободга бордим. Қўргуликни қарангки, ота, бир ҳафтадан сўнг эса кампирни бандаликни бажо келтиришибди. Шундан буюн кечикканмиз учун ўзимдан-ўзим хафа бўлиб юраман.

Сўнгги кўнгалдагидек кечди. Бирок, бир ярим йил деганда келин оғир дардга чалинди. Болам бечора ҳеч нарсани билдирмасликка ҳаракат қилади. Келин 15 кун уйда бўлса, 15 кун касалхонада. Шифокорларнинг айтишларича унинг умрини узайтираётган нарсаси - ёшлар ўртасидаги сажоми муносабат. Фарзандимнинг бу қадар олжаноб инсон бўлиб ўсганлигидан бошим осмонда. Фақат фарзанди йўқлигидан,

М.НИЁЗОВ, журналист.

Бахтни ким қандай тушунаётти Тўй НЕГА ҚОЛДИРИЛДИ?

Инсон ҳаётда не-не орзу ҳаваслар билан яшайди. Ота-она фарзандларининг тўйини, камолини курсам дея ният қилишади. Бирок, орамизда оз бўлсада шундай кишилар борки, улар ҳамон чиркин одатлар таъсиридан кутула олмаётдилар.

Хаётда нималар бўлмайди дейсиз? Баъзида бир буюм, безак ёшлар тақдиридан устун қўйилганлигини кўриб хайратдан еқа ушлайсан киши. Бир оилани биланман. Қизлари бағоят чиройли, одобли, ўқимли бўлиб вояга етди. Уни келин қиламан деганлар кўп эди. Тақдир экан, у турмушга чиқадиган бўлди. Тўй кунини яқинлаштиб, йигит ва қиз никоҳдан ўтишди. Бу орада уч-тўрт нафар аёл олди-сотди уюштириб, ёшлар бахтига чанг солдилар. Эмишки, келиннинг мебеллари хорижники эмас. Шундан гап-сўз

қўлайди. Орага маҳалла фаоллари тушишди. Ҳатто юзга кирган нурунийлар:

- Нодонлик қилманг, ёшларнинг пешонасига берсин, икки ёш бир-биринга жуда муносиб, тезроқ тўйин бошлайлик, дейишганига қувё томон кўнмади.
- Шухратпараст, молпараст кишилар қиз бечорани, унинг ота-онасини оғир аҳволга қўйдилар. Фотиҳа бузилди...
- Бахтимизга орамизда тушунган, мард, олийжаноб инсонлар кўп. Оз вақт ўтмай синглимиз ажойиб хонадонга келин бўлиб тушди. Хозирги кунда унинг ҳаётига ҳамма-нинг ҳаваси келади. Барча гўзал нарсаларни оёқ-ости қилган тубан, молпараст кимсалар ер чизиб қолдилар.

КЕКСАЛАРНИ АВАЙЛАНГ ҲАР ОН

- «Мусулмон кишининг умри узайган сари унинг яхшилиги зиёда бўлади»
- Ёшларнинг яхшиси, ўзини кексаларга ўхшатадиганидир. Кексаларнинг ёмони ўзини ёшларга ўхшатадиганидир.
- Эй Аллоҳ бандалар, даволанинлар, чунки, Аллоҳ таоло бирор касаллиқни давосиз яратмаган, илло бир касалликнигина давоси йўқдур - бу қарилқидир.
- Зиёратингизга /кўргани/ келган одамни ҳурмат қилинглр.
- Қайси бир ёш киши қари кишини ҳурмат қилса, у кексайганида ўша ҳурматни куради.
- Кичкинларга раҳм-шафқат қилмаган, катталарга ҳурмат кўрсатмаган, амр-маъруф ила эзгуликка чақирмаган ва ёмонликдан қайтармаган кишилар биздан эмасдир.
- Агар сизларга бирор қавмининг ҳурматли кишиси келса, сизлар ҳам унинг ҳурматини жойига қўйинглр.

Ҳадисдан

Қўзибой ДУШАНОВ, доцент.

Тахририятга хат ИНСОФ САРИ БАРАКА

Биз яшаётган ҳудудда 9 та коммунал йўл мавжуд бўлиб, унда 700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

1997 йил қиш фаслида табиий газ умуман бўлмади. Қозонхона мавсум давомида ишламади. Канализация тармоғи носоз бўлгани сабабли ундан чиққан чиқиндилар ариққа оқиб ётади. Ез жазирамасида у ердан чиққан ҳидга чидаб бўлмайди.

Кейинги йилларда қурилиш борасида Мирзо Улугбек туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Улардан энг асосийлари Файзулла Хўжаев кўчаси ва Тошкент автомобиль йўли йўли ораллигидида катта магистрал йўл, Содиков кўчасида 3 та турар жой биноси қуриб битказилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Мақтаб директори Роза Бўронова: - Мақтабимизда 1480 бола таҳсил олади. Синф хоналари, ўқув жиҳозлари етишмаслигидан қийналиб келаётгандик. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан қўшимча ўқув комплекси ишга туширилди.Компьютер, лингафон кабинети ташкил этилганлигидан жудаям миннатдорمиз.

Кўз ҚУВНАЙДИ

Одамларга хизмат қилсин деб...

Унинг ёнида 20 дан ортиқ савдо ша-

ҳобчалари бор. Бу метро олдида бўладиган тартибсиз савдо-сотикқа барҳам берди.

Туманда айна кўнларда олиб борилаётган қурилиш ишларидан бири «4-тракторсозлар» мавзесидидаги 34 ётоқхонанинг турар-жойга мўлжаллаб қайта таъмирланаётганидир. Бу ишлар янги йилгача яқунланади.

Алижон РЎЗИБОВ

САХОВАТПЕШАЛАР

Тахтакўпир тумани марказидаги «Жонажон» кичик корхонаси мана, уч йилдирки, аҳолига тоза ичимлик суви, табиий газ етказиб бериш билан шуғулланади.

«Жонажон» кичик корхонасининг аҳил жамоаси бундай саховатли ишлар ҳажмига келгуни «Аёллар йили» да икки хиссага кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Ҳаёт — энг яхши муаллим КЕЛИН ПУШАЙМОНИ

Ёши 60 дан ошган, хушсурат бу онахонни Янгибод мавзесидида кўпчилик танийди. У ўғил ва келинидан ёдгорлик бўлган (ўғил ва келин автомобил ҳалокатида вафот эттиган) неварасини еру-қуқка ишонмайди. Кўнгли ўқимасин, ҳеч нарсадан кам бўлмасин, дея жонини жабборга берди.

Эркак набира Фарҳоджон институтни тугатиб, яхши мутахассис бўлиб етишди. Уйланган, орзуларини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилди. Қўлидан келганча Хожар бувининг ҳурматини жойига қўйди. Бирок, хурсандчилиги узокқа чў-

зилмади. Келин Барнохон: «Бувимиздан бўлак яшаймиз» деб туриб олди. Орага кимлар тушмади, шунда ҳам ният ўзгармади.

Фарзандли бўлишди. Вақт ўтиши билан ази-зу мўстабар бувижонларининг қадри ўтди. Кўчларини йиғиштириб, кадрдон гўшаларига қайтишди. Хожар бувининг қувончи ичига сиғмайди.

Уэр, ёшлик қилибман, ҳаётда сизсиз яшаш қанчалик мушкуллигини тушуниб етдим, бундан буюн хизматингизданман, деди келин самимий оҳанг-да.

Хатони вақтида тушуниш, мардонга тан олиш ҳам фазилат. Энди икки ёшини орзулари ушалиши тайин.

Қидирбой ТЎЛАБОВ.



Чиноз

туманидаги Олмазор кўргони фуқаролар йиғини фаоллари ногиронлар, боқувчисиз кишилар, уруш қатнашчиларига алоҳида гамхўрликлар кўрсатиб келмоқдалар. Вақти-вақти билан уларга совға-саломлар, моддий мадад ажратилмоқда.

Ушбу суратда ногиронларга эсдалик совғаларни топширилаётган пайт акс эттирилган.



ЧИМБОЙЛИКЛАР УЧУН СОВФА

Яқинда Чимбой аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олди. Тула қайта таъмирлашдан кейин туман марказидаги кўп тармоқли касалхона ишлаб бошлади. Бу юмушларни амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, туман ҳокимлиги ва кўп қабатли қўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳозирги кунда тўрт қаватли мазкур совғомлаштириш маркази замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Суратларда: тиббиёт ходимлари замонавий шихатҳода ишлашдан мамнун; касалхонанинг умумий кўриниши.

А.МУРАТОВ / Уза/ олган суратлар.



Спорт • Спорт • Спорт

XIII-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

Бангкокда ўтаётган 13-ёри Осие ўйинларининг 10-куни ҳам ортада қолди. Утган шу кунга давр спортчиларимиз учун муваффақиятли ўтди деган саволга, имконият даражасида «Ха» дея оламиз. Чунки шу кунгача ўтказилган барча мусобақаларда вақилларимиз имконият даражасида иштирок этдилар. Утган шарҳимизда ҳамюртларимизнинг дастлабки натижалари, дастлабки медаллари ҳақида хабар берган эдик. Шундан сўнг спортчиларимиз яна бир неча бор голиблик шохсупаси, унун бўлган курашларда ижобий натижаларга эришдилар.

Ўзбекистон мерганлари учун 13-Осие ўйинларининг бешинчи кун омадли келди. 25 метрдан туплончадан отишда 12-Осие ўйинлари ва жаҳон кубоги саралаш мусобақаларининг иштирокчиси Дилшод Мухторов иккинчи натижа кўрсатиб, Осие ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Яқинда кун Таммасат университети стадионида энгил атлетика бахслари старт олди. Дастлабки кунги беллашув ҳамюртларимизнинг галабаси билан бошланди. Боскон улоктурувчимиз Андрей Абдувалиев кучли рақиблари билан бўлган беллашувда ўз босқонини 77 метр 14 сантиметр узокликка улоктуриб, Осие ўйинларининг кумуш медали билан тақдирланди. Энгил атлетиканинг ана шу тури бўйича Евгений Хожателев 67 метр 86 см билан 4-уринни эгаллади. Бундан тўрт йил аввал Хиросимада ўтказилган 12-Осие ўйинларида спортчиларимиз 3 та олтин, 2 кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишган эди. Терма жамоамиз мураббийлари 12-Осие ўйинлари голиби, ўнкураши, Осие рекордчиси Рамил Ганиев, Сергей Войнов ҳамда Сергей Котларга ҳам катта умид боғлашяпти.

Чарм кўлқоп усталаримизнинг ҳар бир чиқишларини томошабинлар катта олақилар билан кўриб олишмоқда. Босқиларимиздан Темур Тулкиев, Наримон Отаев, Темур Сулаймонов, Мухаммадқодир Абдуллаев, Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаев, Икром Бердиев Осие ўйинларининг финали сари дадил оидлашди. Темур Тулкиев дастлаб Жанубий Корея ва эронлик босқиларни таслим этган бўлса, унунчи жангда КХДР босқисини Ри Хван Сингни мағлубиятга учратди. Наримон Отаев эса биринчи жангда Абдуллаҳман Яборни тўла устунликка мағлубиятга учратган эди. Иккинчи жангда киргизистонлик Кенжабек Акелбоевни очколар бўйича энгди. 91 кг оғирлик ваенда Руслан Чагаев биринчи жангда непалик Баходир Хитрани биринчи раунддаёқ нокаутга учратди. Мухаммадқодир Абдуллаев филиппинлик Салидо Ривальдога қарши рингга чиқиб, учрашувнинг биринчи раунддаёқ рақибини нокаут қилди. Сергей Михайлов ҳам тайванлик Жандаборн Тсансанни нокаутга учратиб, финалга йўлланма олди.

Ўзбекистон терма жамоаси теннисчилари команدا биринчилигида бронза медалини кўлга киритишди. Энди улар Осиенинг энг кучли теннисчилари иштирокчидаги шахсий биринчилик мусобақаларида қатнашишмоқда. Олег Огородов, Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевичлар Осие ўйинлари голиблиги учун кучли 16 спортчи сафида мусобақалашяпти. Қизлар ичида ана шундай бахсларда ҳамюртларимиз ҳам қорғга тушишди.

Дониёр ЮСУПОВ.

ЎЗБЕККИСПОН - БУ

Бу ўлканинг тупроғида олтин гуллайди, Хар гиёҳи муҳаббатдан достон сўйлайди, Аждодлари самолардан марғур бўйлайди, Темур бобом кўксидаги буюк имон-бу Келажаги кулаётган Ўзбекистон-бу.

Боболарим изларидан кўқарган Ватан, Неча қирғин, жанглар аро таланди гарчанд, Хатто каттол рақиблари бера олган тан, Беқоздо номусин асраган жон-бу Келажаги кулаётган Ўзбекистон-бу.

Эзгуликнинг уруғидан кўқарган боғи, Юрагини бағишлаган ҳар бир Широқи, Ёнаверар диллар ичра бахтининг чироғи, Асрлардан голиб чиққан голиб довон-бу, Келажаги кулаётган Ўзбекистон-бу.

Бу диёрнинг эртасида афсоналар бор, Афсонаки, ишқи ичра девоналар бор, Ватан битта, гарчи кўплаб оналар бор, Темур бобом кўксидаги буюк имон-бу, Келажаги кулаётган Ўзбекистон-бу.

Дилмурод ҚОСИМ

ОНА - ОНА

Мен ҳам сендек эдим бир замон, Хаёт ташвишлари йўқ эди. Аммо бағрим қийналди ёмон Менда ота-она йўқ эди.

Эркалансам эрканим билган, Бошим силаб пешонам ўлган. Шўхлик қилсам гуноҳдан ўтган Менда ота-она йўқ эди.

Бир умрга йиғлайди кўнгили, Ўқиб дилим суймади бир гули. Яйрабгина юрмаган эй дил Менда ота-она йўқ эди.

Қайга кетди ота-онам деб, Юрганимда етим ошин еб, Куймадику бир жон гамим еб, Менда ота-она йўқ эди.

Бўлгин дўстим дардимга малҳам, Ўғлим юргин яйраб сен ҳар дам. Ватан бўлгин отам ҳам онам! Менда ота-она йўқ эди.

Жаҳон чемпиони

СТЕЙНИЦ

1873 йил Венадаги халқаро турнирда биринчи ўринни олади. Бу йилларда комбинация Стейницнинг асосий кўроли бўлди. Лекин Андерсен билан бўлган матчдан кейин у комбинацияларга ҳаддан зиёд эътибор бермаётганини? Бу ўзи нима? Улуғ истеъдод авжи шахматчининг бирдан барқ уришими ёки унинг юзага келишига шароит яратиб берган рақибнинг ноаниқ уйнаганлиги оқибати? Ёинки, гап сира истеъдод ёки илҳомда эмас, балки бирор-бир конкретроқ ва объективроқ нарсаларда деб ўйлаб қолди.

Ана шундай, Стейниц шахмат ўйинида тасодифларга боғлиқ бўлмаган ўзининг мантқиқий қонунлари маъжуд. Уз хатти-ҳаракатлари позициянинг конкрет ҳусусиятлари билан мослаштирибгина шахматни тўғри уйнаш мумкин, ҳар бир позиция учун муайян белги-белгилар ҳос. Хар қайси дошнинг қиммати бўлганидек, уларнинг биргаликдаги ҳаракатининг ҳам қиммати бор, деган хоҳазо, хоҳазо фикрларга келди.

Стейницнинг кўп сонли тадқиқотларида эълон қилинган шахмат стратегияси ва тактикасининг бу ва бошқа принциплари шахмат санъатининг ривожланишида мислсиз роль уйнаган унинг таълимотига асос бўлди.

Стейницни жаҳоннинг энг кучли шахматчиси деб атадилар. Бирок, бундай унвон расмий равишда тасвис этилмагунча, шундай юксак даражага талабгорлик қилиб бўладими?

Чунки, баъзилар кўпга таъсирчан зафарлар ҳос. Хар қайси дошнинг қиммати бўлганидек, уларнинг биргаликдаги ҳаракатининг ҳам қиммати бор, деган хоҳазо, хоҳазо фикрларга келди.

Стейниц фақат рақибини яқкама-яқка баҳса энгиб чиқишга ўз оғри-эътиборини тик-

лай олишини тушунарди. Шундай қилиб, у Цукертортни матчага чақирди. Матч ҳақидаги музокаралар уч йилга чўзилди. 1886 йилнинг 11 январида расмий жаҳон биринчилиги даврини очиб берган тарихий баҳс бошланди. У Американинг ушбу шаҳрида ўтиб, Стейницнинг галабаси билан яқунланди: +10 -5 =5. Шахмат олами ўзининг биринчи расмий чемпионига эга бўлди.

Шундай қилиб, орзу ушалди. Тинчланиш пайти келди. Стейницнинг 50 ёшда-я Бирок Стейниц ҳамон курашга чанқоқ. У осон галабалар кетидан кумайди.

1889 йили Гавана шахмат клуби рақибини Стейницнинг ўзи танлаши шартли бўлган жаҳон биринчилиги учун матч ташқил қилишни таклиф этди. Талабгорлар кўп, бирок, жаҳон чемпиони турнирлардаги муваффақиятларино ирофили ўйини шахмат оламида катта эътибор толган М.Чигоринни танлайди. Бундан ташқари, Стейниц рақибини принципаллиги учун ҳам ҳурматлайди. Ораларида ижодий қарама-қаршилиқлар бор. Чигорин билан ўйнаш ҳамма вақт унга қийин бўлган. Шундай бўлган, уларнинг «дуэли» қизиқроқ ўтади-да.

Стейниц матчи ютади. Икки йил ҳам ўтмай, ўз унвонини сақлаб қолиш учун Стейниц И.Гунсберга қарши тағин шахмат столгага ўтиради. 1892 йилнинг бошларида Чигорин билан авжи мислсиз яна бир матч ўйнади. Стейниц яна голиб чиқди.


Ва ҳар қалай икки йилдан сўнг 58 ёшли Стейниц шахмат тожини 25 ёшли рақиб Ласкерга топширишга мажбур бўлди. Аммо шундан кейин ҳам шахмат майдонини тарқ этмади. Сўнгги марта Стейниц 1899 йили Лондонда уйнади. Бир неча ойдан кейин у оғир касалга учраб, 1900 йилнинг 12 августида Нью-Йоркда вафот этди.

Мароқли

Машқлар

Иккала тасвирда ҳам юриш оқлардан. Ҳўш, сиз қандай уйнардигиниз?

Мамажон МУХИДДИНОВ.



«ДЕЗИНТЕХ»

шўъба корхонаси

1998-1999 йилда «ПОЛИСЕПТ», «ПМГ» дезинфекция қилувчи моддани етказиб бериш учун шартномалар тузишни давом эттиради.

Ушбу препарат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати билан Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилади. 10кг. полисепт моддаси 1 тонна хлор моддасининг ўрнини босади, ҳидланмайди ҳамда 10000 кв.м сиртни тозалайди.

«Полисепт» номи қонун билан ҳимояланади. Бу номдаги маҳсулотни «Интермед» ХТМ нинг ёзма рухсатлари ишлаши, қўллаш ва реклама қилиш қонун билан тақиқланади.

Қонунбузарликнинг барча кўриниши суд орқали ҳал этилади.

Сотиб олиш ҳамда шартнома тузиш учун куйидаги манзилга мурожаат этинг.

Тошкент, Каттол кўчаси, 60-уй. Телефон: 78-96-98 № МВ ОУ 9700386.3

«Адолат манзили»

«Ўзбектеелефильм» студиясида суратга олинган тўрт қисмли «Адолат манзили» бадий видеофильмида халқимизнинг яқин ўтмишига айланган ва «Ўзбеклар иши» номи остида кўп қабатли ҳалол кишиларнинг ҳаётини остин-устун қилиб юборган машум воқеалар ҳақида хикоя қилинади.

Фильмда бош ролларни ижро этган Машраб Кимсанов, Юлдуз Хамидова, Рустам Маъдиев, Борис Шевченко қаҳрамонларининг ички кечинмалари, фикру ўйлари, ҳақиқат йўлидаги курашлари маҳорат билан кино тилига кўчирилган. Зеро, адолат барибир адолатлигига қолади. Унга элвучини йўл машаққатлари фильмида воқеалар изчиллигида тасвирланади.

Янги фильмининг тақдимот маросимида «Ўзбектеелефильм» студияси бош директори Мирзааҳмад Олимов, сценарий муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, режиссёр Фарҳод Хайдаров фильмида илгари сурилган гоёлар, суратга олиш жараёни ҳусусида гапирдилар.

Б.МАНСУРОВ, Уза муҳбири.

АВТОМОБИЛЬ ЎҚУВ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Автокадр» очик турдаги акционерлик жамияти республика Давлат автомобиль назорати билан ҳамкорликда «Йўлларда ҳаракатланиш коидалари» бўйича рангли плакатлар тайёрлаб, ўзбек тилида босиб чиқарди. Биринчи мартаба давлат тилида нашр этилган мазкур плакатларда йўллардаги ҳаракатни ташқил этиш ва тартибга солиш юзасидан сизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топилади.

Плакатларда йўллардаги ҳаракатланиш коидаларидаги ўзгариш ва қўшимчалар ёритилган бўлиб, уларни нафақат автоматка ва автокорхоналарда, балки бошқа тармоқларда қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Плакатларни сотиб олишга шошилинг! Нархи унчалик қиммат эмас.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Байналмилал кўчаси 53-уй, (Мўлжал: Чилонзор Оқ тепаси майдони, Тошкент автомобиль-йўллари техникуми) Телефонлар: 78-57-39, 78-37-36.

Advertisement for 'ИШОНЧ' (Trust) featuring a pencil and a hand holding a pen, with contact information for 'БОШ МУҲАРРИР: МИРГИЁС ҚАЙУМОВ'.

Advertisement for 'БОШ МУҲАРРИР: МИРГИЁС ҚАЙУМОВ' with contact details for various departments.

Advertisement for 'БОШ МУҲАРРИР: МИРГИЁС ҚАЙУМОВ' with contact details for various departments.

Advertisement for '«Шарқ» нашриёт-матбаа қондерни босмаҳонаси' with contact details.

Advertisement for '«Шарқ» нашриёт-матбаа қондерни босмаҳонаси' with contact details.